

ТОШКЕНТ ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 149 (9.952)

2003 ЙИЛ 31 ИЮЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА сатрларда

□ **БУГУН** «ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими Яққасарой туман хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда тумандаги «Миробод» маҳалласида «Аёл ва экология» дастури доирасида тадбир ўтказди.

□ **ЭРТАГА** Чирчиқ гарнизонига қарашли ҳарбий қисмда Тошкент шаҳар ўсмирларининг сафарбарлик қақирув резерви ҳарбий йиғинининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

□ **БЕКТЕМИР** туманидаги «Астрообод» маҳалла гузарида 2 августда «Маҳалла кунига бағишлаб катта байрам тадбири бўлиб ўтди.

□ **ҲАМЗА** туманидаги «Қўйлик ота» маҳалласида Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Марнавият ва маърифат» маркази ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимлари ҳамкорлигида «Уч авлод учрашуви» мавзусида анжуман ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИ БИЛИМДОНЛАРИ ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари билимдонлари ўртасида республика танлови эълон қилинди.

Маданият ишлари вазирлигининг маълум қилишларича, иккинчи бор ўтказилаётган ушбу танлов ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий мавзулардаги энг яхши асарлар намуналарини кенг тарғиб ва ташвиқ этишга қаратилган комплекс чора-тадбирлардан биридир. Бу энг ушарлар Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 августдаги «Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан амалга оширилди.

Тадбирнинг яқунловчи босқичи сентябрь ойида пойтахтимизда бўлиб ўтди. (Уза)

Пойтахтимиздаги «Юносободгазтаъминот» идораси ходимлари аҳолини мунтазам ва хавф-хатарсиз табиий газ билан таъминлашга ҳаракат қилишмоқда. Шунинг баробарида тежамкорликда муҳим аҳамиятга эга бўлган газ ҳисоблагичлар ўрнатиш ҳам кизгин олиб борилмоқда.

СУРАТДА: пайвандчи Дилшод Исмолов ўрнатилган газ ҳисоблагични яна бир бор текширувдан ўтказмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

ИШЧИ ГУРУҲ ЙИГИЛИШИ

Аввал хабар қилинганидек 29 августда иккинчи қақирқў Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессияга вақтида тайёргарлик қўриш ва уни муваффақиятли ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи тузилди.

30 июль кунини депутатлар ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Уни гуруҳ раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б.Бургов бошқарди.

Йиғилиш қатнашчилари парламентнинг навбатдаги сессияси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида илгари сурилган дастурга мувофиқ Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятининг асосларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади. Бундан ташқари сессия муҳим сана — мамлакатимиз мустақиллигининг ўн икки йиллиги тантаналари арафасида бўлиб ўтди. Шу муносабат билан тайёргарлик тадбирларини ижтимоий-сиёсий, ташкилий-техникавий, умуман ҳамма жиҳатдан юсак савияда

ўтказиш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Депутатлар ишчи гуруҳининг ишини самарали ташкил қилиш мақсадида унинг таркибиде навбатдаги сессияга таратдуд қўриш ва ўтказишнинг турли йўналишлари бўйича учта кичик гуруҳ тузилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг раиси Н.Исмоилов раҳбарлигидаги кичик гуруҳга Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессияси кун тартиби юзасидан тақлифлар тайёрлаш, сессияга қиритилаётган қонун ҳужжатлари лойиҳалари ва бошқа ҳужжатлар депутатларга ўз вақтида етказилишини таъминлаш, шунингдек, тушган тақлиф ва фикр-мулоҳазаларни умумлаштириш топширилди.

Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясининг раиси М.Миролмиров раҳбарлик қилганида кичик гуруҳ парламент сессиясига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш ишлари оммавий ахборот воситаларида тезкор ёритиб борилишини, журналистларнинг аккредитация қилинишини, парламент йиғилиши ўтказиладиган залдаги «Рада-Мажлис» овоз бериш электрон тизимининг аниқ ишлашини таъминлайди.

Саноат, қурилиш, транспорт ва

алоқа масалалари кўмитаси раиси И.Қочмарик раҳбарлигидаги кичик гуруҳ сессияга келган депутатларнинг иш шартларини таъминлаш, уларни меҳмонхоналарга жойлаштириш ҳамда парламент сессиясини самарали ўтказиш учун зарур бўлган барча хизматларни ташкил этиш билан шуғулланади.

Йиғилишда қонун ҳужжатлари лойиҳаларини сифатли тайёрлаш, уларни депутатларга вақтида етказиб бериш, қиритилган тақлифларни ўрганиш ва ҳисоб-олиш ишининг самардорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Сессияга тайёргарлик қўришининг бориши ҳамда сессия ишини оммавий ахборот воситаларида кенг ва батафсил ёритиш, бу масалаларда мамлакат парламенти депутатлари бирлашмаларининг фаол қатнашишлари муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Ишчи гуруҳи йиғилишида сўзга чиққан депутатлар қонун ҳужжатлари лойиҳалари бўйича оlib борилаётган ишлар тўғрисида ахборот бериб, навбатдаги сессияга пухта тайёргарлик қўриш ва уни муваффақиятли ўтказиш учун бор куч-ғайратларини сафарбар этишга тайёр эканликларини изҳор этдилар.

XXI сағоси

Барча маъбалардан олган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

- Тошкент вилоятида «Мафтункор ранглар жилоси» республика кўрик-танловининг яқунловчи босқичи бошланди. Кўрик-танлов доирасида мамлакатимиз расмолари кўргазмаси, эстрада усталари ва ёш ижроичлар концертлари ўтказилди.
- Сурхондарё вилоят ҳокимлигида ҳуқуқ-тартибот идораси ходимлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, турли жамғармалар вакиллари, маҳалла оқсоқоллари иштирокида оғоҳлик мавзусига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
- Термиз шаҳрининг бош майдонида сафарбарлик қақирув резерви хизматига қақирилган аскарлар қасамёд қабул қилишди.
- Шу йилнинг ўтган олти ойи давомида Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўл линиясининг қурилишида 4 миллиард сўмликдан кўпроқ иш бажарилди.
- Тошкент вилояти ҳокимлигининг «Ҳамдўстлик» аёллар клубида «Ўзбекистонда аёл ва бизнес» мавзусида семинар бўлиб ўтди.
- Андижондаги Мухаммад Юсуф номидаги Андижон вилояти болалар кутубхонасида «Энг яхши китобсевар оила» танловининг финал босқичи ўтказилди.

Жаҳонда

- АКШнинг Нью-Йорк шаҳрида БМТнинг олий даражадаги 5-халқаро анжумани бошланди. Хавфсизлик масалаларига бағишланган ушбу анжуманда БМТ ва бошқа нуфузли минтақавий ташкилотлар раҳбарлари иштирок этмоқда.
- БМТ хавфсизлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида чиқиш қилган Россиянинг ушбу ташкилотдаги доимий вакили ўринбосари Геннадий Гатиллов, БМТ раҳбарлиги остида терроризмга қарши курашувчи универсал фронт тузиш кераклигини айтди.
- Ироқнинг Ўтиш даври ҳукумати кенгаши мамлакатни аҳолининг асосий этник гуруҳларига мансуб 9 вакили навбатма-навбат бошқариш режасини маъқуллади.
- Франциянинг Ривьеря худудидаги ўрмонларда бир неча кундан бери давом этаётган кучли ёғин натижасида тўрт киши ҳаётдан қўймоди, минглаб гектар майдонлар куйиб битди.
- Тожикистонда ўлдириб кетилган журналистлар Виктор Никулин ва Мухиддин Олимпулларнинг қотиллари 22 ва 15 йилдан муддатга озодликдан маҳрум этилди.

2 АВГУСТ — «МАҲАЛЛА КУНИ»

Ғолибларни совғалар кутмоқда

Мустақиллик бизга ато этган неъматлар жуда кўп. Жумладан Истиклол тилимиз, динимиз, миллий қадриятларимиз, гўзал урф-одатларимизга қайтадан «жон» ато этди, давлатимиз раъмалари — герб, байроқ, мадҳиямизга эга бўлди. Ҳозир дунёнинг қайси бурчагига борманг Ўзбекистон номи мағрур жаранглашининг гувони бўласи.

Шуни қувонч билан таъкидлаш керакики, Мустақиллик туфайли азалий қадриятларимиз ўчоғи, меҳр-муҳаббат ва оқибат маскани, дунёда ўхшаши бўлмаган тизим — маҳаллапарварликга эътибор қўнайиб, улар тобора обод ва фойдали гушаларга айланмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимининг 1997 йил 17 июнда қабул қилган қарори билан эса ҳар йили август ойининг биринчи шанбаси анъанавий «Маҳалла кунини» байрами сифатида нишонланмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Тошкентим — боғу бўстоним

Саид ИБРОҲИМОВ, Тошкент шаҳар Ободонлаштр бот бошқармаси бошқарувчиси:

— Ободонлаштириш, кўхаламзорлаштириш деганда биз албатта шаҳримизнинг кўрғига кўрк қўйиш, уни янада гўзал қилиш ва шу билан бирга инсон ҳаёти, саломатлиги учун муҳим бўлган мусоаффо, тоза ҳаво мувозанатини сақлаб туриш зарурлигини тушунамиз.

Дарҳақиқат, инсон учун ҳавонинг ўрта ҳисобдаги мақбул ҳарорати — бу 20-22 градус ва нисбатан намлиги 40-60 фоиз тоза, озонланган бўлишидир. Шаҳар шароитида биринчи навбатда айнан ҳавога урбанизациянинг таъсири катта, яъни атроф-муҳит автотранспорт, саноат чиқиндилари, чанг билан тез ифлосланади.

(Давоми 3-бетда)

Иқтисодий

ГАЗ ПЛИТАЛАРИ ТАЙЁРЛанаДИ

Албатта, бугунги кунда хари-дорғир, шу билан бирга рақобат-бардош, хорижникидан асло қолишмайдиغان махсулот тайёр-лаётган тадбиркор эл-юртга нафи тегаётганидан мамнун. Хари-дорлар сафини кенгайтириш учун эса махсулот турларини талаблар даражасида янгилаш яхши самара беради.

Ана шуни ҳисобга олган «Орзу-пластик» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси тадбиркорлари яқин келгусида маиший газ плиталари ишлаб чиқаришни режалаш тури-шибди. Четдан келтириладиган ана шундай махсулотнинг ўзини боса-диган газ плиталари, албатта замо-навий дастгоҳлар асосида тайёрла-нади. Бунинг учун эса янги цех таш-кил этиши, уни талаблар даражаси-да жиҳозлашга эътибор қаратилади.

Айни пайтда эса корхонада Тур-кия ва Таиланддан келтирилиб ўрна-тилган ускуналар ёрдамида поли-этилен ва полипропилен плёнкалар ўраш, қадоқлаш идишлари тайёр-лаб берилмоқда. Махсулот сифати-га, кўринишига берилаётган эътибор боис ҳам бюртмачилар сафи кен-гаймоқда. Негаки, махсулотнинг хари-дор эътиборини жалб этишида биринчи навбатда ўралиши ва қадоқланиши катта аҳамиятлидир. Корхонанинг асосий бюртмачилари ўрта ва кичик корхоналар, пой-тахтимиздаги супермаркетлардир.

Тайёрланаётган майда қадоқлаш воситаларига ҳажми, ишлатилиши-га қараб б хил ранг бериш имкони-яти мавжуд. Жорий йилнинг ярми-да корхона аҳли томонидан 30 тон-надан зиёд махсулот тайёрланди. Йил охиригача эса ушбу рақамни уч бараварга ошириш, яъни 100 тон-нага етказиш кўзда тутилган. Бунинг учун бюртмалар ҳам, имкониятлар ҳам етарли.

ХОРИЖНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

«Этьикод» хусусий фирмаси махсулотларининг хонадон, идора ва офислари бесаётганига бир неча йилдан ошди. Бунинг асосий боиси корхонада ишлаб чиқарилаётган мебель махсулот-лари дизайни устидаги изланиш-лар, уларнинг янгиланиб турили-шидир.

— Махсулотларимизнинг асосий қисмини стол-стуллар, идора ва офис ҳамда юмшоқ мебеллар таш-кил этади, — дейди корхона раҳба-ри Абдуғани Қосимов. — Уларнинг тури бугунга келиб 20 таддан ортиб кетди. Маҳаллий хом шайдан уста мебелсозларимиз тайёрлаётган махсулотлар ўзининг кўриниши, сифати билан хорижникидан қолиш-майди. Чунки харидорга ҳам бирин-чи навбатда чиройли кўриниши, мустаҳкамлиги, шу билан бирга бир мунча арзонлиги маъқул келади.

Аввалига ўзимизнинг дастгоҳлар ёрдамида ишлаётган усталар ҳозир-да корхонага Италиядан келтирил-ган линияларда унумли ишлашмоқ-да. Бу ҳам қулай, ҳам вақтингизни тежайди. Шу ўринда жамоа қошида ўтган йилда ташкил этилган шўба корхонаси муваффақиятини таъ-кидлаш ўринли. Маҳорат билан тай-ёрланган мебелларнинг бир қисми қўшни Қозғистон давлатига экс-порт қилинмоқда.

Шунингдек, тадбиркорлар Тош-кент вилоятида 30 ўринли яна бир шўба корхонаси ташкил этиб иш-лаб чиқаришни кенгайтириш, хори-жий шериклар билан алоқани мус-таҳкамлаб, чет эл инвестициялари-ни жалб этган ҳолда қўшма корх-оналар ташкил этишни режалашти-ришмоқда. Буларнинг барчаси ан-чагина меҳнат, кўпроқ тадбиркорлик талаб қилиши, шубҳасиз.

Дилноза ФЎҒОВА

1. Сиз мустақиллик йиллари ўзингиз яшаётган ва меҳнат қилаётган жойдаги қандай ўзгариш ва янгиланиш-ларни таъкидлар эдингиз?
2. Келажакни қандай тасаввур этасиз?

1. Мустақиллик ўзбек халқига ўз юртида кадр-қимматини, маданияти ва анъаналарини, дину эътиқодини, тили ва маъ-навиятини қайта тиклаб олишга, миллий гурур ва миллий тафаккур, Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтиришга замин туғдирди. Барча ижтимоий-сиёсий, мафкуравий-мада-ний жабҳаларда улкан ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ёшларимиз чет эллардаги етакчи олий ўқув юрталарида ўқиб, жа-ҳон андозаларидаги билим даражасига эга бўлиб қайтмоқ-далар. Биз дунёни, дунё эса бизни таний бошлади. Мам-лакатимизда жуда кўплаб хори-жий фирма ва компаниялар биз билан ҳамкорликда иш-ламоқдалар. Бизнинг ишби-лармонлар ҳам чет элларда ана шундай иш юритмоқда-лар. Демак, биз дунё ҳамжа-миятига кириб бормоқдамиз.

Мустақиллик йилларида маданият ва истироҳат боғла-ри янада чирой очиб обод ва фойзли гўшаларга айланди, ўтказилаётган барча мада-ний-маърифий тадбирларни янги боқичларга кўтариб меҳнат қилишга эришмоқда-миз. Бугунги кунда Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилаёт-ган барча тадбирлар сон ва сифат, мазмун жиҳатидан ҳам ўсди, десам хато қилмаган бўламан. Келгуси режаларимиз ҳам жуда катта.

Мухтарам Президентимизнинг маънавий, тарихий ва ма-даний қадриятлар, аҳолининг ахлоқий ҳолати, ёш авлодни тар-биялашнинг асосий устувор вазифалари тўғрисидаги кўрсат-малари ҳамда бугунги ёшларимиз тўғрисида доимий равиш-да қилаётган гамҳуриликлари — ёшлар тарбиясига масъул бўлган биз раҳбар ходимлар учун ҳам фидойилик ва миллат-парварликнинг ёрқин намунаси-дир.

Мустақиллик йиллари давомида истироҳат боғининг кўри-ниши янада гўзаллашди. Ўйин қурilmаларининг сони йил-дан йилга ортиб бормоқда. Богимизга келувчилар учун бар-ча шароитлар яратилиб, янгидан-янги замонавий музқаймоқ ва салқин ичимликлар қаҳвахоналари, дам олиш, турли ўйин-лар ўйнаш ва кўнгул очиш майдончалари ишга туширилмоқ-да.

Ўтказилаётган тадбирларда асосий эътиборни юртимиз мустақиллиги ва истиқлол гоғларини ёшлар онига сингди-риш, дунё илм фани, маданияти ва санъати ривожига катта ҳисса қўшган бобоқалонларимиз хотиралари, турли миллий-маданий марказлар билан ҳамкорликда дўстлик ва биродар-

ликни удуғловчи гоғларни илгари суришга, ёшларда со-ғлом тушунча ва соғлом онги ривожлантиришга, мадания-тимиз ва санъатимиз ютуқларини оммалаштириш, меҳнати-ни улуғлаш, жисмоний тарбия ва спортни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш кабиларга қаратилмоқда. Бу йил боғи-мизга сеvimли шоиригимиз Фафур Фулом ҳайкали ўрнатилга-ни ва боғ у кишининг номи билан аталаётгани ҳам қувонар-ли воқеа бўлди.

Шунингдек, богимизга кўплаб қўшимча ўйин қурilmала-ри ўрнатилди. Энг замонавий техника асосида жиҳозланган компьютер ўйинлар хонасини ташкил қилдик. Тадбирлар ўтқа-зиладиган эстрада майдончаларимиз, болаларнинг ўйин май-

дончалари, богимиздаги дам олиш гўшалари янгица кўри-ниш олди. Бу ерга келиб дам олаётган кичкинтойларимиз-ни янада қувонтириш макс-адида жонли бурчак ташкил қилдик. Аҳолини кўнгулдаги-дек хордик чиқаришлари учун янгидан-янги қулайликлар яратмоқдамиз. 2000 йиллар-га келиб богимизда ўз хусу-сияти ва йўналишига эга бўлган «Барҳаёт сиймолар», «Маънавият гулшани», «Эъзо3 давраси» каби туркум тад-бирлар ўтказила бошланди. Бундай тадбирларда мадания-т ва санъат, илм-фан, ада-биётимизга катта ҳисса

қўшган марҳум юртдошларимизни хотирлаш, ҳозирги кунда юртимиз, маданиятимизга хизмат қилиб келаётган эл ардо-ғидаги кишиларимизни эъозлаш асосий максад қилиб олин-ган. Юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг халқимизнинг Мустақиллик куни, Наврўз, Хотира ва қадрлаш куни каби умумхалқ байрамларини кенг миқёсда нишонлаш одат туси-га кирди. Богимиз жамоаси ҳам бундай оммавий байрамлар-ни ўтказиш учун махсус дастур асосида тайёрғарлик қўриб, уларни қизиқарли ва ранг-баранг кўринишда ўтказиб бор-моқда.

2. Келгусидаги ўй-режаларимиз ҳам бисёр. Мустақилли-гимиз даврида эришилган улкан муваффақиятларимизни мустаҳкамлаш ва бу борадаги устувор вазифаларимизни бел-гиллаб, дастур асосида амалга ошириб бориш энг муҳим ва-зифаларимиз қаторига киради.

Азиз Ватанимиз фуқароларининг бўш вақтларини сермаз-мун ўтказишларига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшиб бориш доимий диққат эътиборимизда.

Авваламбор юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Бизга берилган барча имкониятлардан аъло даражада фой-даланиб, гуллаб-яшнаган мустақил давлатимизнинг равнақи-га равнақ қўшиш учун ҳаракат қилишимиз керак. Ана шунда-гина биз буюк давлатнинг буюк инсонлари бўлиб қоламиз.

БИЗНИ ДУНЁ ТАНИМОҚДА

«Тошкент оқшоми» анкетаси саволларига Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг дирек-тори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходи-ми Баҳодир СУЛТОНОВ жавоб беради.

Ғолибларни совғалар кутмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Албатта, «Маҳалла куни» байрами кўпга-на хайрли мақсадларни кўзлаган ҳолда ўтказилади. Авваламбор, халқимиз фаолли-гини ошириш, уларда ўз юрти, тутилган гўшасига эғалик ҳиссини шакллантириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, тад-биркорликни ривожланти-риш, маҳалла-ларни ободон-лаштириш, са-нитария ҳолати-ни яхшилаш кўзда тутилади. Шунингдек, ёш авлодда ўз юр-тига, Ватанга, миллатига са-доқат руҳини сингдириш, ўтиш даврида-ги баъзи бир муаммоларни ҳал этиш, яъни маҳалладаги корхоналар, тадбиркорлар, мулкдорлар ва бошқа мавжуд имкониятлар-ни ишга солган ҳолда ёрдамга муҳтож, но-гирон, етим-есирлар, қаровисиз ва боқувчи-си йўқ кишиларни қўлаб-қувватлашдек маҳалла тизимининг бугунги кундаги ва-зифаларини амалга оширишга туртки бе-ришга ҳаракат қилинади. Зеро, бежиз хар йили етти йўналиш бўйича ўтказилаётган қўрик-танлов ғолиблари айнан «Маҳалла куни»да тақдирланмайди. Бир сўз билан ай-тганда, бугунги кунда маҳалла давлатимиз олиб бораётган ислохотларни амалга оши-ришда катта қўшқини эътироф этиши-миз керак.

— Бу йилги «Маҳалла куни» байрами 2 августда «Туркистон» саройининг муҳташам ёғи майдонида бўлиб ўтади, — дейди биз билан суҳбатда шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» шўбаси раиси Рихситил-ла Ақромов. — Унга шахримиз маҳаллалари

фаоллари, халқаро ва жамоат ташкилотла-ри вакиллари, оммавий ахборот восита-лари ходимлари, чет эллик меҳмонлар тақлиф этилади. Байрам давомида Обод маҳалла йили ва аънаваный «Маҳалла куни» муноса-бати билан — «Энг обод маҳалла», «Ибрат-ли маҳалла оқсоқоли», «Энг тадбиркор ма-ҳалла оқсоқоли», «Энг яхши хотин-қизлар

комиссияси ра-исаси», «Энг яхши педагог-тарбиячи», «Энг обод кўча», «Энг яхши маҳалла посбонлар сар-дори» йўналиш-лари бўйича ташкил этилган кўрик-танлов шаҳар боқичи-нинг ғолиб ва совриндорлари кутланади. Уларга Тошкент шаҳар ҳокими, Республика ва шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаларининг Фахрий ёрликлари, қим-матбаҳо совғалар топширилади.

Шунингдек, байрам савдоси, шаҳримиз-даги энг яхши маҳаллаларнинг ҳаётлари-ни акс эттирувчи кўргазмалар уюштирила-ди. Мумтоз қўшиқларимиз ижрочилари ва таникли эстрада хонандалари, сеvimли гу-руҳлар, жумладан К.Раҳимов, У.Саиджонов, Ф.Умаров, О.Отажонов, Ф.Ёқубов, Ю.Усмо-нова, Г.Эркулова, А.Олимов, Н.Раҳматова, «Ялла», «Нола» дасталари ва «Аббос» гуруҳи ижросида дилтортар куй-қўшиқларининг ижро этилиши режалаштирилган...

Шуни таъкидлаш керакки, «Маҳалла куни» байрами тадбирлари кечадан бошлаб шаҳ-римиз туманларида ўтказила бошланди. Ўйлаймики, у тўрт кун давомида жойларда кўтаринки руҳда ва аҳолига хуш кайфият улашган ҳолда бўлиб ўтади.

Дилшод ИСРОИЛОВ



Миллий матбуот марказида АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги - USAIDнинг «Марка-зий Осиеда табиий ресурслар бошқарувини такомиллашти-риш» дастури доирасида Халқ таълими вазирлиги қошидаги «Бюэжосан» ўқув-услубий мар-кази ҳамда бир нечта нодавлат ташкилотлар матбуот анжума-нини ўтказди.

СУВНИНГ ҲАР ҚАТРАСИ ЗАР

— Сув ва сув манбаларидан унумли фойдаланиш бугунги кун-да энг долзарб масалага айланмоқ-да, — деди USAIDнинг Ўзбекистон-даги вакили Ж.Гоггин. — Шу мак-садда жорий йилнинг 23 июлидан 10 августига қадар Ўзбекистоннинг ёғи оромгоҳларида дам олаётган максад ўқувчиларига сувни исроф қилмаслик ва ундан тежаб-терғаб фойдаланишининг гоғат муҳим аҳамиятини тушунтириш билан боғлиқ тадбирлар ўтказилаётди.

Марказий Осиеда табиий ресур-слар бошқарувини такомиллашти-риш дастури у йилга мўлжаллан-ган. Ҳозир мазкур дастур доираси-да сувни тежаб масалаларига ба-ришланган ҳамда сувнинг иқтисо-дий, экологик аҳамиятига оид қизи-қарли маълумотларни қамаб ол-ган иккита ўқув қўлланмиси ишлаб чиқилди. АҚШ Фанлар академия-сининг маълумотлари асосида тай-ёрланган мазкур китоблар мактаб-дан ташқари машғулотлар учун му-ҳим қўлланма бўлиб хизмат қила-ди.

Телевидение ва радиога эълон қилинадиган роликлар дастурда асосий ўрин эгаллайди. Мазкур фильмлар болаларнинг оби ҳаёт ҳақидаги тушунчаларини янада бойитади.

(ЎЗА)

Тошкентим — боғу бўстоним

(Давоми. Боши 1-бетда)

Демак, шаҳарда сановат ва транспорт ахти-ёжларига катта миқдорда кислород сарфланади, бу эса ҳавонинг меъёрий таркиби бузилишига ва ҳарорати кўтарилишига олиб келади. Бу борада ҳавони тозалаб турувчи янана кондиционер восита яшил зоналар ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, бир гектар майдондаги ўсимликлар фотосинтез жараёнида 200 киши нафас олишига етарли даражада кислород чиқаради ва шу билан бирга соатига 8 килограмм угле-кислота ютади. Янада аниқроқ айтилган бўлса, шаҳарда ҳар бир киши бошига мақбул иқлимни таъминлаб бериш учун 50 квадрат метр яшил зона етарлидир. Урта ҳисобда шаҳаримизда бу кўрсаткичга эришилган десак хато бўлмайди ва ўйламанки, буни ҳеч ким инкор қилмайди.

Ёз вақтида шаҳарнинг «иссиқ йилими» (асфальт, темир-бетон, гипс, гранит, мрамор копламалар назарда тутилмакда) микроклим шаклланишида асосий роль ўйнайди. Бу кўёш радиациясининг юқори даражаси билан боғлиқдир. Ёз чилласининг ҳарорат 35-40 даражага кўтарилган пайтида қуруқ тупроқ, асфальт, бетон, бинолар том ва деворларидаги радиацион ҳарорат 70-80 даражага кўтарилиши кузатилади, яъни у икки баравардан кўпроқ ошади. Хаттоки бундай иссиқ ҳаво кўёш боғанидан кейин ҳам анча вақт сақланиб туради, натижада дим бўлиб, ҳаво етишмайдиғандай туюлади.

Шаҳар радиацион ҳароратини пасайтиришда ўсимликларнинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга. Биргина дарахтнинг сояси остида радиацион ҳарорат 35 градус, яшил майдонда — 40 градусгача очик жойлар ҳароратидан фарқ қилади. Ҳаво ҳарорати эса пастроқ, атиги 2-3,5 градус, йирик яшил зоналарда — 16 градус бўлиши мумкин.

Дарахтлар барги ҳам ўзига хос иссиқлик хусусиятига эга. Ҳар бир дарахт турлича ис-

сиқликни ҳам, кўёш нурларини ҳам ютиши, қайтариши ва ўтказиши мумкин. Дарахтларнинг термохимоялаш жихатлари айнан шундан иборат. Бу борада қалин, танаси катта, пастки қисмидан ҳаво айланиб турувчи дарахтлар иссиқдан кўпроқ химоялади. Яшиллик бор жойларда намлик 4-7 фоиз юқори, об-ҳаво нам пайтида паст бўлади. Бунинг сабаби — баргларининг иқлимга нисбатан намлик ютиши ва чиқариши каби ўзгарувчанлигидир.

Ўсимликлар шамол эсишини уч маротаба пасайтиради. Шамол қанча тез бўлса, яшил зоналарда унинг шунчалик пасайишини кузатиш мумкин.

Юқорида айтиб ўтилганидек, шаҳар ша-

моддаларнинг кимёвий ва физик таркибидан келиб чиққан ҳолда санитар ўсимликларни ҳам тури, бўйи, эни, илдиз тузилмасининг му-стаҳкамлиги, бошқа хусусиятларига қараб жойлаштириш талаб этилади. Бу ҳам ландшафт меъморчилигининг асосий қонун-қоидаларидан биридир.

Масалан, эман, қарағай, тут, қора ёнғоқ, оқ терек, барбарис каби танаси йўғон дарахтларнинг чанг-тўзон ҳаракатини пасайтиришда тенги йўқдир. Игнабаргли ўсимликлар баргиларга нисбатан аниққас куз пайтида қувватли энг кучли «чангхўллагич» ҳисобланади.

Автотранспорт ҳаракати зич бўлган йўллар атрофида экилган эман, япон софораси, қарағай дарахтлари ҳаво иқлими мувозанатини сақлаб туришга катта ижобий таъсир кўрсатади.

Тоғвушлар юқори бўлган жойларда дарахтларни горизонтал равишда, куюқроқ қилиб экиш жоиз. Баргли ўсимликлар атрофдаги тоғвушларнинг 25 фоизини ютиб, қолганини тарқатиб юбориш имкониятини беради, бу дегани дарахт ёки бутта бўладими, ҳар бир ўсимлик тоғвуш тўқунларини тўсиб қолиш хусусиятига ҳам эгадир. Масалан, транспорт ҳаракати тез бўлган йўллар атрофидаги турар-жой би-нолари агарда дарахтлар билан чегараланмаган бўлса, бундай бўшлиқда ҳар хил тоғвушлар узок сақланиб қолаверади.

Яна бир бор шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, яшил зона доирасини кенгайтириш борасида экиш олдида ҳар томонлама мувофиқликни белгилаб олиш, сўнг ҳаракат қилиш эътиборга лойиқдир. Қурилиш меъёр ва қоидаларига кўра, дарахтларнинг бино, иншоотларга нисбатан оралиги 5 метр, бутасимон ўсимликларники эса — 3 метрдан иборат бўлиши керак.

Ҳар бир нарсанинг қонун-қоидага бўлганидек, кўчат ўтказишда ҳам мутахассислар томонидан ўрганилган талабларга риоя этилса шубҳасиз қутилган натижага эришилади.

МУВОЗАНАТ МЕЗОНИ



роитида табиий равишдан ташқари сановат ҳамда автотранспортнинг зарарли газлари атроф-муҳитнинг меъёридан анча юқори даражада ифлосланишига олиб келади. Агарда ҳар бир кўча, мавзе, майдон, уларнинг жойлашиши инobatта олингани ҳолда, етарли даражада кўкаламзорлаштирилган бўлса, зарарли микрофлора 40-45 фоиз камайтиришга эришилади. Бу борада игнали ҳамда баргли дарахтлар ўта фол деб топиладиган. Аммо ўсимликлар ҳақиқий санитар сифатида намоеён бўлишига эришиш учун уларнинг муҳандислик ва эколого-биологик тузилмаларини тўғри белгилаш ва кейинчалик яшил парвариллаш муҳим аҳамиятга эга. Демокчимизки, атроф-муҳитда мавжуд бўлган зарарли

рободлик Мансуржон ака ва қайни отам эшонгузарлик (Зангиота тумани) Исмоилхўжа ака — иккала куда гоғбон бўлишган. Уларнинг шафтоли-зорлари бўлиб, кўчатларни тезда янгилаб туришган. Кўчат шафтолининг данагидан олинган. Отам ўғитларидан шуни биламанки, шафтоли уч йилда ҳосилга қиради. Лекин ҳосили узокқа бормайди. Се-рхосил шафтолининг шохи ҳосили пишишига яқин мева-ларини кўтаролмай синаверади. Натижада икки-уч йилда шохлари синиб, дарахт сифатини йўқотади. Шунинг учун захира кўчат экилиб, уни ҳосилга етиштириб борилади. Демак, шафтолини далада ҳам, шаҳар шароитида ҳам ўстириш имкониятини яратиш керак. Фақат унга қўнт билан киришиш, шафтолини кўпайтириш илмини билиш керак. Бу борада мутахассисларнинг фикри аниқ муқддоир.

Йўлдош МАНСУРОВ,
журналист.

• АКС САДО

ЯНА ШАФТОЛИ ҲАҚИДА

Газетанинг 2003 йил 24 июль сонидан босилган «Шифобахш ўсимлик» сарлавҳали мақолада шафтолининг шифобахшлиги ва бу ўсимликни шаҳарларда ҳам ўстириш тажрибалари ҳақида гап боради. Шундан келиб чиқиб, шафтолининг қандай дардга шифо бўлиши тўғрисида шифокорлардан эшитганимни баён этишга жазм қилдим.

Ўтган асрнинг 70-йилларида Ўзбекистон телевидение-сида «Сихат-саломатлик» тележурналининг муҳаррири бўлиб ишлардим. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги услубчиси Анвар Азимов кинооператор Мирсобит Салимов билан бирга табиёт телелекўрсатувини тайёрлаш учун Фарғонага бордик. Вилоят шифохонасида табиёт ҳодимлари билан суҳбатимиз шифобахш ўсимликлар, жумладан шафтоли тўғрисида бўлди. Гапдан гап чиқиб, ҳамкасблар, водийдаги туман ижроқўми раисларидан бири қичима (чесотка) касалига узок вақт чалиниб қолгани, лекин айнан шафтолидан

даво топганини айтиб беришди. Раис кўп шифокор—мутахассисларга кўринибди. Нафи бўлмагач, охири Москвага, Кремль шифохонасидаги профессорнинг қабулига борибди.

Бemorни текширган шифокор «бунинг давоси ўзларингизда, Ўзбекистонда» — дебди. Шунда раис: «Бизда нажот топилмагач, сизни эшитиб, их-лос қилиб келгандим», деганича шифокорнинг гапига ҳайрон бўлиб қулоқ солибди ва профессорнинг: «Сиз шафтоли ейсизми?» деган саволига «Ҳа» дея жавоб берибди.

— Қанча ейсиз?
— Ҳар ҳолда, озроқ, — дебди бемор.


— Энди мен айтгандек уйда ҳам, ишхонада ҳам кўнглингиз тусоганида, меъда кўтарганича еб юрасиз. Тез вақтда бу касалликдан кутуласиз. Ана ўшанда менга ҳам беш кило-ни посилка қиларсиз, — хайр-лаша туриб ҳазиллашиб қўйибди профессор.

Уйига қайтган, бемор ўша куннинг ўзидан шафтолини ейишга киришибди. Роса бир ярим ойдан сўнг баданини қичишдан бутунлай қутулибди. Буни эшитган фарғоналик шифокорлар шафтолининг кучига, шифобахш хусусиятига қўйил қолишибди.

Шафтоли етиштиришни, кўпайтиришга келганда, шуни айтмоқчиманки, отам дўбми-

ЭМАН

Ўзбекистонга, хусусан Тошкентга биринчи бор бу ўсимлик XIX асрнинг охирида Россиядан келтирилган ва шу кунга қадар юз йилдан аввал экилган эман дарахтлари яхши сақланиб, аксариятнинг бўйи 30-35 метр, эни 7 метрни ташкил қилади.



Ўзбекистонда эман дарахтининг черешчатик — ёйма тури яхши ривож топган. Россия иқлимига қараганда эманнинг бу тури бизнинг шароитда 10 баравар тезроқ ўсади. Масалан, айна пайтида шаҳримиз истироҳат боғларидаги 25 йиллик эман дарахтларининг бўйи 20 метр, эни 1,5 метр бўлгани ижобий кўрсаткичдир. Табиий ва сунъий равишда ҳам эман биринчи 8-10 йилликда секин ўсади, кейинчалик паст қисмидан ривожланиб шакллана бошлайди. Нима учун «ёш» пайтида эман «уйқуда» бўлиш сабаблари ҳануз ўрганилмаган. Баъзи мутахассисларнинг фикрига қараганда, бунинг сабаби биринчи галда иқлимга боғлиқ экан.

Эман кўчатлари желудь — кузда пишиб етишадиган мевасини бутунлигича ерга кўмиб экиш йўли билан кўпайтирилади.

ҚАРАҒАЙ

200-250 йил яшайди. Табиий ҳолатда бўйи 40 метргача чўзилади. Эман дарахтига қараганда қарағай биринчи йилларданок тез ўсади. 20-40 йиллик бу дарахт ҳар йили 1,5 метргача ўсиб ривожланади. Қарағай совуққа чидамли, аммо зараркундаларга таъсирчан.



Кўкаламзорлаштиришда асосан қарағайнинг оддий ва оқ рангли тури етиштирилади, чунки унинг бу турлари иссиқ ва қуруқ шароитга, ҳаттоки шўр тупроқларга ҳам мослашган.

— Ҳа, қўшнжон. Нима бўлди сизга? — сўрайман.
 — Ҳар кўни эрталаб шу сўзларни айтишга ўрганиб қолибман, — деди у менга.
 — Тушунтириброқ гапиринг.
 — Сиз ҳам менга ўхшаб, илгариги Самарқанд автостанцияси ёнидаги кўчани кесиб Жанубий темир йўл вокзали томонга ўтсангиз гап нимада эканига тушунасиз, — деди қўшнжон.

Қачон тартиб ўрнатиласи?

Дам олиш кўни эрталаб уйдан чиқиб кетаётсан қўшнжоннинг кўчасидаги дарахтлар тагига суя куяётиб: «Вой-вой, бу қанақаси бўлди? Ё тавба!» — деган сўзларини эшитиб қолдим.

Орадан кўп вақт ўтмай қўшнжон айтган томонга йўлим тушди. Уша илгариги Самарқанд автостанцияси ёнидаги кўчани кесиб ўтиб (ҳозир бу ерда Самарқанд автостанцияси йўк, ҳаммаёқ текислаб қўйилган) 58-йўналишда қатнайдиغان автобусга чикмоқчиман. Соат 7-8 лар эди. Кўчани кесиб ўтишга юрагим бетламади. Чунки чап томондан келаётган машиналарнинг мети узилмайди. Бунинг сабаби бу ерга машиналар иккита кўчадан, ҳам Усмон Носир кўчасидан, ҳам Фарход кўчасидан кетмак катта тезликда келади. Одамлар икки кўларини бир-бирлари томон узатиб, «вой-вой, бу қанақаси бўлди-а! Ишдан кечга қоламиз-ку», дейишапти.

Пешонасига «Тошкент-Янгийўл» деб ёзилган автобуслар (худди бошқа жой қўриб қолгандек) мана шу одамлар уймалашадиган жойга келиб тўхтади ва бу ерда узок туриб, чап томондан келаётган машиналар кўчани кесиб ўтувчи пидедаларнинг қўришига тўсқинлик қилади. Усмон Носир кўчасидан келаётган машиналар бироз камайиб, ўтишга имкониёт бўлди, дейилса, бу тўхтаб турган машиналар ор-

қасидан, Фарход кўчасидан келаётган машиналар чиқиб қолади. Ана шунда одамларнинг «вой-вой, бу қанақаси?» дейиши бошланади. Одамлар тўдаси бир амаллаб кўчанинг ярмига боради. Уртадаги бетон тўсиқнинг бир бўлагининг бир учи озгина ён томонга суриб қўйилган ва бир киши сизгадиган ўтиш жойи очилган. Бу ерда одамлар бир-бирини туртишиб, кўчанинг у томонидаги ярмида, ўнг томондан келаётган машиналарга кўз тикишади.

Келаётган машиналар оралниги топиб, кўчанинг у бетига аранг ўтилган, керакли автобус жўнаб қолади ёки унинг ичи лик тўлиб, эшикларини ёпиш учун бор кўчини сарфлаётган бўлади.

Шу жойдан бироз нарироқда жуда катта ер ости йўли бор. Лекин ҳозир ундан ҳеч ким ўтмайди. Чунки у бекатдан узокроқ ва унга бориш учун Фарход кўчасидан тинимсиз келаётган машина-

лар оқимини кесиб ўтиш керак. Аксинча у томондан ер ости йўлига тушган киши борган томондан чиқиб, серкатнов кўчани кесиб ўтиши керак. Энди гапни чўзмай мақсадга кўчас: ҳозир биз тасвирлаган жойдан ўтиш одамлар учун хавфли ва кўпчиликнинг ишдан кечкишига сабаб бўляпти. Бу ерга йўлчи-роқ ўрнатил, ўтиш жойини белгилаш шунчалик қийинмикан? Кўчалар ва ўтиш жойларига мутасадди бўлган кишилар ва аҳолидан хабардормикан? Ёки билишса ҳам қўл силтаб, «менга нима?», деб юришибдимиз?

Йўлдош МАНСУРОВ,
меҳнат фахрийси.

Мухтарам «Оқшом»-хонлар ҳукмига ҳавола этилаётган ана шу мактубни оқша тушириш, мен учун анчайин қийин кечди. Бировга айтоқчи бўлган — ДАРД, ўзиники бўлса хўп-хўп, аммо ўзганики бўлса, ростакамига АЗОБ бўларкан...

«Меҳр кўп кўргуздим, аммо...»

Гап шундаки, камини мунис бир онахонни билмаман. У қўшнжон. «Дом-да бирга яшаймиш. Саҳар туради, ўтган кетгани дуою-салом қилиб, кишиларга яхши кайфият, тил ила эзгулик улашади. Айниқса, кампирнинг менга муносабати ўзгача. Ишга кетишда ҳам, қайтиб келишда у билан кўк сўрашаман. Дилдан жой топгим келади. Бунинг боиси бор... Боиси шуки, унинг кўзларида пинхона алам, дард, сўнгсиз пушаймонлик ширинган. Илло, ён-веридигиларга чурқ этгиси келмайди.

— Биттагина ўғлим бор, болам, — деди у кўнларнинг бирда менга дил ёраркан, — ўлигининг ҳам, тиригининг ҳам эгаси шу. Лекин... боласи тушмагур ёлғирок бир лавозимга ўтди, босар-тусарини билмай қолди. Бу орада маст-аласт келиб, уйдан келишимни болалари билан ҳайдаб чиқди... Набираларим жавдираб қолди... Кейин билсам, бошқа «хотин» топган экан... Гўлдай аёлини хору зор қилаётганига чидаб туролмадим...

Онахон кўз ёшларини беозор артади. Ўзини дадил тутишга ҳаракат қилади.
 — Бир-икки оғиз насихат қилдим... Ахир мен онаман-ку, болажон, — онахоннинг кўзларига қараб эзилб кетдим. — Хуллас, қаттиқ-қаттиқ гапирдим... Шунда у... менга қўл кўтарди... Ҳалиям бахтимга келишим бор экан айириб олди... Жаҳл отига минганди, ўлдириб қўйиши мумкин эди мени.

...Кеча эшитдим, машинаси Тошкент — Қўқон йўлида авария бўлибди. Майли, мени урсаям майли, болам бўлимдан қолди. Худого шукр, кўз олдимида юрибди. Бир кун инсофга кириб қолар... Келишим келди. Набираларим бувасиникида сиқилаётганмиш... Нима қилишни билмайман, болам...

Йўк, ортиқ чидапмадим. Хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, уйга қайтдим... қаттиқ изтиробга тушдим.
 Нахоти, бир парча этдан биро бўлган фарзанд, ўз онасига қўл кўтарса. Қани онага хурмат, унинг қадри? Пул, мансаб аталмиш «қудратли» юю, кишини шу даражада, тубан қилиб қўйса?! Мاستон ая (биз шундай атади) шу қора кўнларни деб, фарзанд ўстирганимиди?! Сиз нима дейсиз, азизлар?!

Хидирали ПАНЖИЕВ

• МУЛОҲАЗА

Саводхонлик маънавият эмасми?

Метронинг гавжум Чилонзор бекатига тушаверишда зиналардан одимлар экансиз шундоққина бошингизни кўтариб қарасангиз, тابلдога мана бундай ёзувга кўзингиз тушади: «Тарих халқ маънавиятининг асосидир». Аммо мавжуд тўрт сўздаги бир эмас бир нечта хатони кўриб, очиги ҳафсалангиз пир бўлиши тайин. Шуниси ачинарлики, сўзлар лотин ёзувида ёзилган.

Назаримда кейинги пайтларда алифбомиздаги «х» ва «х» ҳарфлари гўёки бир хил вазифани бажаради. Хоҳлаганингизни ишлатаверишингиз мумкин. Ахир «Дорихон»-гаям ургани кетганмиш-ку. Ҳечам ажабланманг. Ҳатто айрим газета-журналларда ҳам бу икки ҳарфнинг тўғри қўлланилмаётгани янгилик эмас.

Лотин ёзувида асосланган алифбомиздаги е, ё, я ҳарфларининг ёзилишида ҳам баъзан хатолаб учраб туради. Худди юқоридagi «маънавият» сўзидаги каби. Тарихимиз маънавиятимиз асоси экан, саводхонлик-чи? Бунга сиз нима дейсиз?

Сайёра СУННАТОВА

Йўқолиб қолсам, лифтанг қидиринг

Ёшинг улғайган сари оқ-қорани кўпроқ таниб, ширин сўзга, эътиборга муҳтож бўлиб қоларкансан. Очигини айтмай, хуштабиат, қувноқ, тўғрисўз инсонларни кўрсан, улар билан дилдан икки оғиз сўхбатлашсан кайфияти кўтарилди. Аммо, сўзининг устидан чиқмай, алдашни одат қилган, таъмагирликка ружу қўйиб, бошқаларни менсимайдиганларга рўбарў келиб қолсан борми, қон босимим кўтарилиб, гоҳида юролмай ҳам қоламсан.

Мавзудан четлашганим учун узр. Бугун мен «оқшом»-ларга кўпчилик зимматчилар ҳаётида содир бўладиган лифт билан боғлиқ кўнглисизлик ҳақида сўзлаб бермоқчиман. Аввало, бу «жуда майда гапку», дея хайрон бўлманг. Чунки ишимизнинг самарадорлиги эрталабки кайфиятимизнинг қандай эканлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Хуллас, бир неча йиллардан бери кўп қаватли бинонинг

кўрсатаётгани учунми, хайтовур тез-тез бузилиб туради. Барака топгур усталар, лифтни қўйиб-пишиб, тузатишиб, «қамалган» одамни олиб чиқишгунларча орадан маълум муддат ўтади. Унинг бузилишига қўпичча ёшлар, гоҳида катталар ҳам сабабчи бўлишарди. Негаки улар шундоққина бурунлари олдига турган фойдаланиш қондаларини ўқимасликлари оқибатида босқичларни нотўғри босиб, эшикни қўл-оёқлари билан тўхташиб турганларидан сўнг лифт «бечора» бузилаверади-да.


Ана шундай гаплар. Мабо-до, яна иш вақтимда 40 ва ундан ортққ қадиқа кўринмай қолсам, ҳеч қилинмай мени лифтанг қидиринг.

Файзулла ИСАЕВ



Карис бор унинг париси бор дейишади. Дарҳақиқат, кўпни кўрган кексалар маслаҳатига, доно ўғилларига амал қилган ёшлар асло кам бўлмайди. **Ҳакимжон Солиқов олган сурат.**

Хатлар — ҳаёт ойнаси



Хатжилдлар... Булар оддий номлар эмас. Аксинча сиз азиз ҳамшаҳарларимизнинг қалбингиз тўридан жой эгаллаган дил изхорлари, ҳаётингизда юз берган турли хил воқеалар, ҳодисалар, жамиятимиз ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётига муносабат. Энг муҳими, Истиклол туфайли ҳар бир соҳада юз бераётган янгиликни жараёни ҳақида таҳлилий мулоҳазалар, «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифаси ташкил этилгандан буён тахририятимизда қўллаб ҳамшаҳарларимиз билан мулоқотлар уюштирилди. Телефон кўнгириклар орқали сиз азизлар билдираётган фикрлар ҳам саҳифамиз материаллари рангбаранг чиқишига омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шу боисдан ҳам бу сафарги материаллар газетхонлардан келган мактублар, телефон кўнгириклари ҳамда мулоқотлар асосида тайёрланди.

«Тоғ ҳавоси — тан давоси» деганларича бор экан. Бун «Стрельцов» болалар оромгоҳида бўлганимизда яна бир бор ҳис этдик. Гап шундаки, менинг икки набирам имтиёзли йўлланма билан бу оромгоҳда дам олиб қайтди. Фарзандларимни бориб кўриш бихотираси оила аъзоларимиз билан шу оромгоҳда бўлдик. Бу ерда ота-оналарнинг ҳам хордиқ чиқариб кетишлари учун қўлай шароит яратилган экан.
 Биз ҳам янги асалган хонтахталар атрофида фарзандлар билан дам олдик. Қўл атрофидаги соябонлар остида хордиқ чиқариш имкони бор экан.

• ГАЗЕТХОН МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАДИ БОЛАКАЙЛАР ҚУВОНЧИ

Қисқаси, оромгоҳда болалар учун барча қўлайликлар яратилган экан. Бунинг учун биз ота-оналар «Тошшаҳар йўловчи» Давлат уюшмаси бошқаруви раҳбариятига, қасаба уюшмасига миннатдорчилик билдираимиз.
Тоҳир ЖУМАЕВ,
кекса транспортчи.

Тахририятга йўланган ушбу мактуб бизни «Стрельцов» болалар оромгоҳига чорлади. Ҳақиқатан ҳам бу ерда янги мавсумга катта тайёрларлик кўрилибди. Тошкент вилоятининг «Сардара» ва «Бешқўл» қишлоқлари ораларида сўлим боғ қўйишда жойлашган бу оромгоҳ об-ҳавоси ён-атрофи киши-қўшқарга эътибор берилди.
 — Илгари бу маскан сим тўрлар билан ўралган бўлиб, очик сайхонликдан иборат эди, — дейди дам олиш оромгоҳининг директори Маъмур Мухаммадзонов. «Тошшаҳар йўловчи» Давлат уюшмаси бошқаруви раиси Равшан Файзуллаев саяё-ҳаракати билан тез орада бу ер сўлим боғ-роғга айлантирилди. Янги сув ҳавзаси қурилди. Дам олиш павильонлари бунёд этилди.

Бу ердаги ҳарорат Тошкентдагидан 12-15 даража фарқ қилади. Болалар эрта уйғониб, муздек тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олишади.
 Бу йил оромгоҳда дам олиш учу меҳнатда ташкил этилган. Ҳозир иккинчи сменада 600 нафар ўғил-қиз ёз гаш-

• «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ЕР ОСТИ ЎТИШ ЙЎЛЛАРИ НАЗОРАТДА

«Тошкент оқшоми» газетасида шу йилнинг 1 июль сонидида чоп этилган «Орталликка доғ ярашмайди» номли мақола Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси йиғилишида муҳокама этилди. Аввало, шунинг таъкидлаш жоизки, мақолада кўрсатилган Бешбўч даҳаси, Марказий университет худудларидаги ер ости ўтиш йўлларидаги камчиликлар Ободонлаштириш бош бошқармасининг Сунъий иншоотларни сақлаш ва улардан фойдаланиш бошқармаси томонидан бартараф этилди. Ер ости ўтиш йўлларида санитар ҳолати талаб даражасига келтирилганини эслатиб ўтамиз. Еритиш мосламалари таъмирланганлиги ер ости ўтиш йўлларидаги пидедалар ҳаракатига қўлайлик туғдиради. Хулоса ўрнида шунинг айтиш жоизки, шаҳримизда мавжуд бўлган ҳамма ер ости пидедалар ўтиш йўллари масъул ходимлар томонидан назоратга олинди.

БУГУНГИ ИШНИ ЭРТАГА ҚЎЙМАЙЛИК

Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармасида «Тошкент оқшоми» газетасининг 12 июль сонидида чоп этилган «Бугунги ишни эртага қўймайлик» сарлавҳаси остидаги мақола мутасадди корхоналар билан биргаликда муҳокама этилди.

Мақолада кўрсатилган Дарбозакент канали шаҳар сув хўжалиги бошқармаси томонидан март ойида тўлиқ тозаланган ва лойлар олиб кетилган. Кайковус каналининг Архитекторлар ва Усмон Юсупов кўчалари билан кесишган жойларидаги кир-қоқларидан ахлат-чиқиндилар олиб кетилган. Шунинг таассуф билан айтиш жоизки, қилинган ишларга қарамай, аҳоли томонидан ушбу каналлар ўзанига

С.ИБРОҲИМОВ,
Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси бошқарувчиси.
В.ОРТИҚҲУҲАЕВ,
ижрочи.

• ...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

Кундалик юмушлар билан ёки яқинларингизни бир бора йўқлаш мақсадида кўчага чиқасиз, унда-бунда катта тўлдириб ўтириш кишиларни кўриб, росмана ҳавасингиз келади. «Шу замонда ҳам бекорчиликка вақт топилмади, азаматлар», деган фикр ўтади ҳаётингиздан. Дарвоқе, гапнинг индаллосини каттақ тўлдириш, анкироғи, сканворд-бозликдан бошладик...

«СКАНВОРД КАСАЛЛИГИ» ҚАЧОНГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ?

Сканворд тузиш, уни тарғиб этишдан кўзланган мақсад, инсон ақлининг имкониятларини янада кўпроқ ишга солиш, унинг билим ва қўнчаларини мукамаллаштиришдир. Киши ўзини қанчалик кўп тарбияласа, ундаги салоҳият, беназир иқтидор ривож топиб бораверади. Аслида Одам Ато фарзандларига туҳфа этилиши тансиқ неъмат ҳам ақлнинг улканлигида, албатта. Сканвордлар ана шу йўлда ўзига хос робита, кўпик бўлиши мумкин. Аммо, бундан ташқари — Китоб аталмиш буюк кашфиёт борки, унинг кўч-қудрати ҳақида тўхталиб ўтишга ҳоҳат ҳам бўлмас керак.

Сканвордбозликка қайтайлик. Яқинда қўлимга кундалик оммавий нашрлардан бири тушиб қолди. Умримда сканвордага қизиқмаган бўлсам-да (айниқса, ҳозиргиларига) азбаройи вақт ўтказиш учун бирорсиз варақладим. Тепасидаги «Жумбоқ» деган ёзувга кўзим тушди-да, қизиқишим ўн чандон ошди. «Зора, қизикроқ жумбоқ учрасан», дедим ўзимга ўзим.

Саҳифа ўртасида хали халққа танилиб улгурмаган эстрада «юлдузи»нинг сурати турарди. Саволларга ўтамиз: «Фалончиҳон қайси бурж остида туғилган?» (Баъзи сабабларга кўра исми яширилди) Қизик, буни билиш учун Фалончиҳоннинг ота-онасини қайдан топар эканмиш. Навбатдаги савол: «Фалончиҳон севган ширинлик» Ажабо, Фалончиҳон санъатга энди кириб келаётган бўлса, муштарий уни қаёқдан билсин?! Қолаверса, бунинг нима қизиғи бор?! Навбатдаги савол бироз кулгили: нашр муҳаррирларини айбга бўрмайсиз. «Фалончиҳон: севган ширин...» Тавбалар, қилдик... Нима бу? Қип-қизил найранг-бозликми?! Хуллас, бошқа бу ҳақда гапирмаймиш. Гап шундаки, сканворд, биринчи навбатда кишининг билимини юксалтиришга қаратилган бўлиши керак. Одамлар сканворд ишлаб билмаганини билиб олсин. Ақли чархлансин. Лекин, «боланинг паспорти (?)», «амманнинг ўғли(?)» «ошпичқоннинг қини бўлади-ми(?)», таразидagi саволлар, лақмалар ва савиянинг пастиги далалатдир. Бошқаларни билмадигу, бизнинг назаримизда сканвордбозлик муаммоси республика миқёсида ўйлаб қўриладиган масала. Зеро, «ёмон қовуннинг уруги қўпаймасин».

Хумоюн ПАРПИЕВ

• ЛУКМА

СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

Азим шаҳримизда бахтимиз бўлган болажонларнинг шодлиғу қувончларига хизмат қиладиган гўшалар кўп. Пойтахтимизда ўғил-қизларимиз ўйнаб-қулиши учун бунёд этилган болалар майдончалари, «Эртақлар шаҳарча»лари ҳам талайгина.

Миробод туманида, Мирзо Улугбек туманининг Пушкин-Салор кўчасида, Юнусобод даҳасида қурилган бундай ўйнагоҳлар кўп бўлган болаларнинг шодлиғига шодлик қўшмоқда. Бундан ота-оналар беҳад мамнун.

Аммо ота-оналар, жамоатчилик вакиллари билдираётган фикрлар, тақлифларга ҳам қўшилмасликнинг иложи йўк. Бу ерда гап болалар майдончалари ёхуд «Эртақлар шаҳарчаси» йўлининг юзига, транспорт ҳаракати серкатнов жойларга қурилгани ҳақида бормоқда.

Бола бундай жойда мириқиб ўйнагани билан, гала-говурда яхши дам олмайди, албатта. Нега энди уларни холис жойга ёки «дом»ларнинг орасига ўрнатиш мумкин эмас?!

Зеро, аксарият майдончалар йўл бўйида жойлашган. Устига устак, кўп туманларда бўлсангиз, болалар майдончалари қурилгану, аммо қаровсиз аҳолга тушиб қолган. Мисол учун Юнусобод «Универсам» этагига бўлб ёзилган болалар боғини бир бор кўринг-а! Катта тайёргарлик билан қурилган бу боғ трамвай йўлининг шундай ўнгинида маскан топган. Бу ҳам майли-я, унинг бугунги «қиёфа»си кишини ранжитида. Боғ йўловчилар қатнайдиغان оёқсиз жой бўлиб қолган.

Болалар майдончалари кўп қаватли уйларнинг орасига қурилса ёмон бўлмасди. Ахир, «дом»лардаги болалар учун ўйнайдиган жой керакку.

Ваҳоланки айрим «дом»ларда болаларнинг ўйнашларига жой ҳам, шароит ҳам йўк. Чунки, аксарият кўп қаватли уйларнинг атрофи одамлар томонидан чегараланиб ёки болаларнинг ўйнаши учун ажратилган ерларга ўзбосимчалик билан «қўшимча» қурилишлар қилинган. Булар болаларнинг ўйнашига ҳалақит бериши турган гап.

Орзу-ўйларга тўла беғубор ва батақор ўйинқароқ дамларини мазмунли ўтказишлар, соғлом ва бақувват бўлиб ўсишлари учун болаларимизга қўлай шарт-шароитлар муҳайё қилишимиз шарт. Шундай экан, бу ҳақда мутасадди ташкилотлар ўйлаб қўришлари лозим. Бунинг вақти етди.

Сиз, «Оқшом» муштарийлари, бунга нима дейсиз?

Ақбар АЛИЕВ,

Ўзбекистон халқ талми аълочиси.

Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўрганиб
Домо бўлув...**

● Илм ҳеч йўқолмайдиган буюк хазина, ақл эса эскирмайдиган янги либосдир.

● Тўрт нарса тўрт нарсага обрў — одобга, шодлик — хотиржамликка, дўстлик — муҳаббатга, ақл — тажрибага муҳтождир.

● Афлотун ҳақими айтди:

— Баданинг қуввати — овқат, ақлнинг қуввати эса ҳикматли сўзлар, донолик ва донишмандликдир. Агар ақл шулардан маҳрум бўлиб қолса, овқатсизликдан бадан ҳалок бўлгани каби ҳалок бўлади.

● Машҳур олимлардан Абу Мансур ас-Саолибий айтди:

— Мулоимлик дарахтини эккан киши, саломатлик мевасини теради. Қўйналишдан кўрқиб, ўрганишни давом эттирмаган киши илми эгаллаш олмайдди. Тўғри, ҳақ гапирган киши ҳаммининг ишончини қозонади. Душман билан яқинлашган кишидан унинг дўстлари қочадилар. Ишнинг оқибатини ўйлаган киши фалокатлардан омон қолади.

Байт:

Ақлдан гамгинлик,
шодлик, ўқтамлик,
Ақлдан борлигу,
йўқлигу камлик.

● Ишқмас, ялқов одам жатто йигитлик қоғида ҳам қари одам тусини кўрсатиб қолади. Чунки ишсиз, бекорчилик билан кечган вақтнинг ҳар дақиқаси бир соатдан узундир.

● Уқш билан тушуниш бир эмас, чунки тушунмасдан ўқиган киши ўқшдан талаб этилган мақсадга хизмат этмаган киши.

● Нодон билан дўст бўлишдан чекин, чунки нодон яхшилик қилман деб ёмонлик келтириб қўяди.

Байт:

Сен чақимчи бўлмағил,
эй беҳабар,
Бегуноҳлар оҳидан қилгил
ҳазар.

● Ҳз бошингга келганлардан ўзинг учун ибрат ол. Бугунги кунингдан эрта учун ўлчов ол. Улим келгандан кейин бирор иш қилишдан ожиз бўласан.

● Инсон яшаш учун ейди, ейиш учун яшамайди.

● Уч нарса одамнинг гам-ғусасини таркатади: сув, қўкат ва гўзал юз.

● Уч нарса одамда нафрат уйғотади: кибр, зулм ва бахиллик.

● Тажрибадан ўтказганининг илми ортади, тажрибасиз ишонганининг хатоси.

● Узун муддатли тажрибалар ақлни орттиради.

● Тажриба ақлнинг кўзгусидир.

● Улакка нарсалар денгизни ифлос қилиб қўймайди.

● Чақирилган жойга ейиш учун борган қувиллишга лойқидир.

● Менга икки қулук ва бир оғиз кўп эшитиш ва оз гапирш учун берилган.

● Зиёратнинг яхшиси бир лаҳзадир.

● Дур кичик бўлса ҳам, энг буюк қоядан қимматлидир.

● Дунё бир отликнинг манзилига ўхшайди, кечани унда ўтказиб, сахар чиқиб кетади.

● Ҳз ишини ўзгаларга юклаган бадбахт бўлади.

● Сен сени йиғлатадиган одамнинг олдига бор, қулдирадиган одамнинг ёнига эмас.

● Тўрт нарса борки, уларнинг ози ҳам кўпдир: ўт, касаллик, душман ва бурч.

● Одам камбағал бўлганда, қавму қариндош ҳам ундан узокроқ юради.

Ўтган ярим йил мобайнида Агентлик нашриёт ва матбаа корхоналари томонидан 7703,5 миллион сўмлик матбаа махсулотлари чоп этилди. Жумладан, 2003-2004 ўқув йилларига мўлжалланган 93 номдаги мактаб дарсликлари 3,6 миллион нусхада босиб чиқарилди. Маҳсулот экспорти 43,6 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Чоп этилаётган китоблар аҳолининг бадиий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий адабиётларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, «Ўзбекистон» нашриёти томонидан Юртбошимиз Ислам Каримовнинг «Ислохотлар стратегияси — мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир», «Миллий армиямиз мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» китоблари, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашриёти томонидан «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг 5-жилди чоп этилгани эътиборга моликдир.

«Оилада тиббий маданият», «Она ва бола», «Соғлом авлод» давлат дастурлари бўйича Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриётида икки жилдлик «Тиббий терминлар изоҳли лугати», «Бахтли она бўлинг», «Усмирлик даври ҳақида», «Қарияларга малҳам бўлалик», «Юз дардга юз даво», «Ўқитувчи» нашриётида «Кичкинтойлар алифбоси», «Чўлпон» нашриётида эса Тўлан Низомнинг «Довон», «Кувё бўлиш илми» ва «Келин бўлиш илми» китоблари босмадан чиқарилгани айни мuddао бўлди. Бу каби китоблар тез фурсатларда ўз илҳосмандларини топаётгани шубҳасиз.

— Энг муҳими, чоп этилаётган китобларнинг беҳато, бенуқсон ва сифатли бўлишига жиддий эътибор бериш лозим, — деб таъкидлади Агентлик Бош директори. — Шу йил 16 июлда Миллий матбуот марказида республикамизда чоп этилаётган адабиётларнинг мавзуси, мазмуни ва сифатини яхшилашга бағишланган ўтказилган йиғилишда қатор нашрлар танқид қилинган бежиз эмас...

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган йиғилиш якуналари нашриётларда муҳокама қилиниб, мавжуд хато ва камчиликларни бартараф этиш чоралари белгилаб олинган. Ҳайъат йиғилишида ноширлар зиммасига қатор вазифалар оқлатилди. Чунончи, мавзу режаларини тузишни такомиллаштириш, қўлёзмалар устида жиддий ишлаш, муаллифлар билан буюртма асосида ишлашни ташкил этиш, устоз-шоғирд тамойили асосида ёш мутахассислар малакасини ошириш чораларини кўриш, кадрлар ўқувини, лотин имлосини чуқур ўзлаштиришларини ташкил этиш, нашриётлар бадиий кенгаши фаолиятини кучайтириш ҳамда мазкур кенгашларда чоп этилган ҳар бир адабиётнинг муҳокамасини ўтказиш масалаларига эътиборни кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Ноширлик, матбаачилик фаолиятини такомиллаштириш мақсадида Миллий матбуот маркази қoшида «Ноширлар клуби»ни ташкил этиш юзасидан таклиф киритилди. Ушбу клубда ноширлар ўқувини йўлга қўйиш, тажрибалар алмашиш назарда тутилди.

Соҳа ходимларини рағбатлантириш мақсадида ҳар йили Матбуот ва ахборот агентлигининг вазирлиги кўни байрами арафасида яқунланадиган «Йилнинг энг яхши асар», «Йилнинг энг яхши муҳаррири», «Йилнинг энг яхши дизайнчи расоми» кўрик-танловларини ўтказиш мақсада мувофиқ деб топилди.

Ҳайъат мажлисида қайд этилганидек, ноширчилик соҳасидаги ҳамма ишларни бирдек ижобий баҳолаб бўлмайди. Айни пайтда ўтказилаётган айрим тендерлар, танловлар шартлари қондалари қўпол равишда бузилаётгани аниқ-

ланмоқда. Натижада сўнги пайтларда айрим хусусий ва бошқа нашриётлар томонидан сифатсиз, замон талабига жавоб бермайдиган саёз, савияси паст нашрлар ҳам кенг оммага тарқатилаётгани таъшишли ҳолдир. Агентлик томонидан матбаа корхоналарининг амалдаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан мониторинг ишлари олиб борилганда талай қонунбузарликларга йўл қўйилгани аниқланди. Чунончи, Тошкент шаҳрида жойлашган «Ноз-Оила» фирмасига қарашли босмахонада ҳеч қаерда рўйхатга олинмаган «Қисмат-14-Шайтанат» деб номланган «газета» чоп этилаётгани аниқланди. Қонунбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди ҳамда ўша «газета» ва матбаа корхонаси фаолиятига чек қўйилди.

Мажлисда «Обод маҳалла йили» дастури юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳлил этилди. Zero, Агентлик нашриётлари, газета-журналлари

НОШИРЛАР ВА РАДИОКАНАЛЛАР ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ҳайъатининг навбатдаги мажлисида бу борада галдаги вазифалар белгилаб олинди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2003 йилнинг 1 ярим йиллигида иқтисодий ва ижтимоий соҳани ривожлантириш якуналари ҳамда ушбу соҳаларда ислохотларнинг муҳим устувор йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида»ги баёнида белгиланган вазифалар баъзиларини таъминлаш бораида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги вазифалари ҳақидаги масала Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ҳайъатининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида муҳокама қилинди. Унда Бош директор Р. Шогуломовнинг ушбу мавзудаги маърузаси тингланди.

маҳалланинг жамият ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги роли ҳамда аҳамиятини жамоатчилик орасида тарғиб қилишга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ўтган давр мобайнида бу мавзуда 6 номдаги адабиётлар 15,0 минг нусхада чоп этилган. «Фуқаролик — жамиятнинг пойдевори», «Авалу охир», «Миллий тафаккур тарихидан» сингари янги китоблар ўқувчилар томонидан катта қизиқиш билан кўтиб олингани сир эмас. «Тасвирий ойна» уюшмаси «Маҳалла — эзгулик бешиги» мавзусида ранг-баранг плакатлар нашр этган. Агентлик тасаруфидоги газета-журналлар томонидан 50 дан ортик турли жанрларда мақолалар ёритилган.

Агентлик ташкилотлари маҳалла инфратузилмасини ривожлантиришга, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига қўмаклашмоқда. Соғлиқни сақлаш муассасалари, ўқув юрталари, маҳалла кутубхоналарини раванқ топтириш мақсадида 9,6 миллион сўмлик турли хилдаги адабиётлар хайрия қилинди. Тизимдаги нашриётлар ва корхоналар «Сен ёлғиз эмассан» хайрия жамғармасининг шаклланишига муносиб ҳисса қўшдилар. Ушбу жамғармага қарийб 12 миллион сўмлик адабиётлар юборилди.

Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан 3,3 миллион сўмлик «Обод маҳалла» жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилди. Кам таъминланган оилалар, қариялар ва ёш болаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2,3 миллион сўм, шу жумладан, матбаа ўқув юртига ёрдам сифатида 2,2 миллион сўмлик маблағ ўтказилди.

Маълумки, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Оммавий ахборот воситалари мониторингинг маркази томонидан республикамиздаги барча нашрлар ҳамда телевидение, радиоэшиттиришлари фаолияти юзасидан мониторинг олиб борилди. Ҳайъат мажлисида Ўзбекистонда FM радиоканалларидаги студиялар фаолиятининг мониторинг натижалари тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Айни пайтда республикада 12 та хусусий ва Уттеледрадиокомпаниянинг

«Ёшлар» FM радиоканаллари фаолият кўрсатмоқда. Ҳўш, ушбу радиоканаллар эшиттиришларини талаб даражасида дейиш мумкинми? Афсуски, мониторинг натижаларига кўра, FM радиоканалларида эфирга узатилаётган дастурлар савияси замон талаби даражасида эмаслиги, баъзи радиоканаллар ўз Низомларида белгиланган вазифаларга тўлиқ риоя этмаётганлиги маълум бўлди.

Ушбу радиоканаллар Низомининг асосий мақсад ва вазифалари замонавий куй ва қўшиқларни тарғиб қилишдан ташқари «...миллий халқ мусикаси ва анъанавий ўзбек куй ва қўшиқлари орқали фуқароларда Ватанга, миллий қадриятларга ва давлат тилига муҳаббат ҳисларини уйғотиш, бастакорларнинг замонавий миллий ва мумтоз асарлари билан таништириш, ...ёш авлод қалби ва тафаккурида миллий ғоя ва миллий мафкура, умумбашарий қадриятларга, демократик тамойилларга асосланган дунёқарашни шакллантириш, жамоатчилик онгида истиқлол ғояларига чексиз садоқат, она диёрга меҳр-муҳаббат, эътиқод, жасурлик ва фидойилик руҳини чуқурроқ синдиришдан иборат...» деб белгилаб қўйилган.

Афсуски, «Сезам», «Гранд», «Ўзбегим таронаси», «Ҳамроҳ» ва бошқа радиоканаллар орқали эфирга узатилаётган эшиттиришларда Ўзбекистон ҳаётига оид хабарлар деярли берилмапти. Асосан хориж хабарлари ёки айрим илқаро ташкилотлардан олинган маълумотлар асосий эфир вақтини банд қилмоқда. Куй ва қўшиқлар ҳам ўша «хабарларга яраша» олди-қонди шоулардан иборат бўлиб қолмоқда. Мамлакатимиз эфир тўқилларини асосан ғарб мусикаси ҳамда савияси ҳаминқадар бўлган «замонавий ўзбек эстрада» «забт» этаётганига тоқат қилиб бўладими? «Радио-Терра» каналда эса ўзбек қўшиқлари мутлақо берилмаётганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Тингловчилар эътиборига ҳавола этилаётган кўпгина эшиттиришлар мавзуси ўта саёз ва бачкана бўлаётгани халқи эътирозларга сабаб бўлмоқда. «Киз бола биринчи бўлиб ўғил болага севги изхор қилиши» алоҳида мавзуга айлантирилиб, тингловчилар билан телефонда «муҳокама» қилиниши кимга маънавий озиқ бериши? Олди-қонди шоулар, айниқса ёшларнинг савиясини ўтмаслаштириб қўймайдими? Баъзи дастурларда ўзбек лиссонида мутлақо учрамайдиган, мантиқсиз сўзлар «истеъмомлағ киритилаётгани»ни қандай изоҳлаш мумкин? Масалан, «Гиёҳшах» деган мантиқсиз сўз айрим суҳбондан ва репортёрлар тилидан тушмай қолди...

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Оммавий ахборот воситалари мониторингинг маркази раҳбари Бобоқул Тошев таҳлилий фикрларини баён қилар экан, ҳар бир жабҳада қонун устувор бўлиши, алалухус, радиоканаллар ҳам ўз Низомларида белгиланган қонунқондаларга амал қилишлари зарурлигини таъкидлади. Қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган ушбу масала юзасидан радиоканаллар раҳбарлари ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Ҳамкорлик — самарасиз бўлмайди. Мажлисга таклиф этилган турли радиоканаллар мутасаддилари вақти-вақти билан давра столи атрофида ошқора суҳбатлар, мулоқотлар ўтказилиб турилишини таклиф этдилар.

Ҳайъат мажлисида Агентликка 2003 йилнинг биринчи ярмида фуқаролардан келиб тушган ариза, шикоят ва таклифларни ўрганиш натижалари ҳамда бошқа тегишли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
Агентлиги Матбуот хизмати**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН! ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР !

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси савдо ташкилотчиси "POYTAHT AUKSION" давлат унитар корхонаси 2003 йилнинг 5 сентябридан 31 октябрга қадар ҳафтанинг ҳар жума кунлари соат 11-00 да кимошди савдоларини ўтказди.

Кимошди савдоларига

қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилган

| № | Автотранспорт воситаси русуми | Балансда ушлаб турувчи корхона номи | Ишлаб чиқарилган йили | Бошланғич нархи, сўм |
|----|-------------------------------|--|-----------------------|----------------------|
| 1. | ГАЗ-310200 | Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети | 1995 й. | 1 800 000 |

Бўлиб ўтган кимошди савдоларида

қуйидаги автотранспорт воситалари ва ижара ҳуқуқлари сотилди

| № | Автотранспорт воситаси русуми | Кимошди савдоси ўтказилган кун | Сотилган нархи, сўм |
|-----|-------------------------------|--------------------------------|---------------------|
| 1. | ГАЗ-2411 | 25.04.03й | 700 000 |
| 2. | Газ 31029 | 16.05.03й | 1 300 000 |
| 3. | Ваз 21053 | 4.06.03й | 720 000 |
| 4. | Тико | 6.06.03й | 2 500 000 |
| 5. | Газ Саз 3507 | 13.06.03й | 150 000 |
| 6. | ДЭУ Нексия | 13.06.03й | 850 000 |
| 7. | Зил ММЗ 4502 | 13.06.03й | 150 000 |
| 8. | Иж-2715 | 13.06.03й | 80 000 |
| 9. | Газ 31029 | 20.06.03й | 1 300 000 |
| 10. | Газ 31029 | 20.06.03й | 1 200 000 |
| 11. | Мерседес-Бенц | 4.07.03й | 7 200 000 |

| | | | |
|-----|--|-----------|------------|
| 12. | Ниссан-Санни | 4.07.03й | 2 800 000 |
| 13. | Газ Саз 3507 | 4.07.03й | 180 000 |
| 14. | Газ 31029 | 11.07.03й | 950 000 |
| 15. | Ваз 2106 | 25.07.03й | 950 000 |
| 16. | Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Ал-Хоразмий кўчаси, Чилонзор даҳаси, 16 ва 17 мавзёлар, 0,04га | 11.06.03й | 7 600 000 |
| 17. | Тошкент шаҳар, А.Икромов т-ни, Х.Турсункулов кўчаси, 0,1га | 11.06.03й | 14 100 000 |
| 18. | Сирғали т-ни, "Сирғали-5" мавзе, Г-40,0м кўч. 2-блок 6-сон ер уч. 0,03га | 11.06.03й | 4 000 000 |
| 19. | Юнусобод т-ни, "Юнусобод-4" мавзе. Мирзааҳмедов кўч. 74 ва 77-уйлар орасида 0,04га | 11.06.03й | 7 050 000 |
| 20. | М.Улуғбек т-ни, Х.Абдуллаев кўчаси. 0,06га | 11.06.03й | 5 900 000 |

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16а-уй. Ариза ва гаров пуллари юқоридаги манзилда жойлашган "POYTAHT AUKSION" давлат унитар корхонаси томонидан 2003 йил 1 августдан бошлаб қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон: 133-23-40



Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» Сизларни биржа савдоларига таклиф этади.

Биржа савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади:

— Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчасида жойлашган, 3 қаватли ертўлали, умумий майдони 35030 квадрат метр бўлган қурилиши тугалланмаган савдо-маиший мажмуа биноси («Пойтахт савдо маркази» ККнинг 35% улуши), бошланғич баҳоси 6 000 000 000 сўм.

— Тошкент шаҳри, Х. Олимжон кўчаси, 11а-уйда жойлашган, бир қаватли ғиштли бино, умумий майдони 1642 квадрат метр бўлган «Нур» мажмуаси, бошланғич баҳоси 750 000 000 сўм.

— Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 100-уйда жойлашган, 12 қаватли темир-бетонли, умумий майдони 8178 квадрат метр бўлган офис маркази, бошланғич баҳоси 300 000 000 сўм.

— Тошкент шаҳри, Фурқат кўчасида жойлашган, 3 қаватли темир-бетонли, умумий майдони 3000 квадрат метр бўлган қурилиши тугалланмаган савдо-маиший блоклари, бошланғич баҳоси 250 000 000 сўм.

— Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчасида жойлашган (Д, Н, К блоклар), 2 қаватли каркас панелли, ертўлали, умумий майдони 4204 квадрат метр бўлган қурилиши тугалланмаган савдо қаторлари, бошланғич баҳоси 700 000 000 сўм.

— Тошкент шаҳри, Х. Олимжон майдонида жойлашган, 2 қаватли каркас панелли, умумий майдони 4982 квадрат метр бўлган Пойтахт бизнес мажмуаси (Фарбий томони), бошланғич баҳоси — 2 000 000 000 сўм.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин:

Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 16а-уй.

Телефонлар: 133-25-51, факс: 133-20-64

«ТОШМАРГЁФ»

очиқ акциядорлик жамияти акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий мажлиси ўтказилишини маълум қилади

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамият бош директори номзодини тасдиқлаш.
2. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
3. «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясининг шиша идишлар заводи қурилиши учун банкдан валюта кредити олиш учун гаров таъминоти сифатида «Тошмаргёф» ОАЖ мулкани гаровга қўйиш масаласи.

Умумий мажлис 2003 йил 25 августда соат 8.00да «Тошмаргёф» АЖ ҳудудида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Жарқўрғон кўчаси, 47-уй.

Мажлис қатнашчилари 25 август куни 7.00 дан 8.00 гача рўйхатга олинадилар.

Умумий мажлисни ўтказишга тайёргарлик жараёнида акциядорлар Жамият Низомининг 9.21 бандида кўрсатилган материаллар билан танишиб чиқишлари мумкин.

**Маълумот учун телефон:
96-57-02.**

Кузатув кенгаши.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар
учун телефон:
133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ:
МАТБУОТЧИЛАР
КЎЧАСИ,
32-УЙ, 2-КАВАТ,
204-ХОНА.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги Сўфизода номли 165-ўрта мактаб томонидан 1991 йили Убаева Дилфуза номига берилган № 035926 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Тошкент оқшоми»

ЖУКУҚИЙ
МАСЛАХАТХОНАСИ**Қонунга ҳурмат ва
ишоаткорлик — ҳаёт мезони**

(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

172. Мерос мол-мулк ҳисобидан қайси харажатлар қопланади?

Нотариус меросхўрлар томонидан мерос қабул қилиб олинганга қадар, агар мерос қабул қилиб олинмаган бўлса, давлат ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилганига қадар мерос мол-мулк ҳисобидан:

- 1) мерос қолдирувчи касал бўлган вақт мобайнида унга қараб туриш, шунингдек вафот этган тақдирда уни дафн этиш ва қабрини обод қилиш билан боғлиқ харажатлари;
- 2) мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган фуқароларни таъминлаш билан боғлиқ харажатлари;
- 3) иш ҳақи бўйича давволарни ва уларга тенглаштирилган давволарни қаноатлантириш билан боғлиқ харажатлари;
- 4) мерос мол-мулкни қўриқлаш ва уни бошқариш, шунингдек меросхўрларни қақриш ҳақидаги хабарни эълон қилиш билан боғлиқ харажатлари;
- 5) қонунларда белгиланган бошқа харажатлари тўлаш тўғрисида фармойиш беради.

5.11. Меросга бўлган**ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш****173. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ким ва қачон беради?**

Фуқаролик кодексининг 1146-моддасида белгиланган қоидаларга мувофиқ, мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг ёзма аризасига кўра унга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериши шарт.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома олиш меросни қабул қилиб олган ворисларнинг мажбурияти эмас, балки уларнинг ҳуқуқлари ҳисобланади. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатдир. Меросхўрнинг қўлида бундай гувоҳноманинг бўлмағлиги меросни қабул қилиб олган ворисни бу ҳуқуқдан фойдаланишдан маҳрум қилмайди.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин бериллади.

Қонун бўйича мерос олинганда ҳам, васиятнома бўйича мерос олинганда ҳам, агар нотариус тегишли мол-мулкка ёки бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома олти ой деб белгиланган муддат тугамасидан олдин берилиши мумкин.

Меросни қабул қилиб олиш муддатини ўтказиб юборган меросхўрлар меросни қабул қилиб олган бошқа барча меросхўрлар розилиги билан уларнинг (меросни қабул қилиб олган бошқа барча меросхўрларнинг) қаторига киритилиши мумкин.

174. Бундай гувоҳнома хусусида давлолаштишга қатъий жазм этган кишилар нималар қилиши керак?

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида берилган гувоҳнома устидан бу гувоҳномани тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талаб билан муайян вазият оқибатида ворисликка қақрилмаган қонун бўйича ворислар ёхуд мазкур гувоҳноманинг қисман ёки тўлиқ ҳақиқий эмас деб топилиши мулк қатъийликка олиб келадиган бошқа шахслар судга шикоят бериши мумкин.

Давло кўчмас мулк, яъни уй, квартира турган жойдаги ёки мероснинг асосий қисми турган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга бериллади.

Икки нусхадаги давло аризасига меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида берилган гувоҳнома нусхаси, давлогарнинг меросдан улуш олиш ҳуқуқини тасдиқловчи далиллар, шу жумладан давлогар билан мерос қолдирувчи ўртасидаги қариндошлик даражасидан шохидлик берувчи ҳужжатлар илова қилинади.

5.12. Мероснинг тақсимланиши**175. Мероснинг тақсимланишини талаб қилишга қимдар ҳақи? Меросхўрларнинг ўзаро қелишувига эришилмаган тақдирда мерос тақсимоти қай тартибда амалга оширилади?**

Фуқаролик кодексининг 1150-моддасида белгиланишича, меросни қабул қилиб олган қонун бўйича меросхўрлардан исталган бири мероснинг тақсимланишини талаб қилишга ҳақи.

Меросни тақсимлаш меросхўрларнинг қелишувига кўра уларнинг ўзаролиги тегишли улушларга мувофиқ амалга оширилади, бордини қелишувига эришилмаган бўлса, манфаатдор меросхўрнинг ёки меросхўрлардан исталган бири ёхуд бир нечтасининг давло аризасига асосан суд тартибда ҳал қилинади.

Мазкур қоидалар барча мерос ёки унинг бир қисми меросхўрларга улушларда муайян мол-мулк кўрсатилмасдан васият қилинган ҳолларда меросни васиятнома бўйича меросхўрлар ўртасида тақсимлашга нисбатан қўлланилади.

(Давоми бор)

ТОКИОДА ТУРИЗМ ТАДБИРИ

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижобий ўзгартиришлар кунчиқар ўлка — Японияда акс-садо бера бошлади. Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонаси биносига ўтказилган семинар мамлакатимиз туризм салоҳиятига бағишланди ва тадбирда иштирок этган Япониянинг етакчи сайёҳлик гуруҳлари Ўзбекистондаги туризм соҳаси ҳақида бир қатор ижобий фикрлар билдиришди.

Япониянинг етакчи сайёҳлик гуруҳи «Уорлд Эйр-Си Сервис» компаниясининг бошқарувчиси жаноб Катсухиро Катсуми тадбирни очар экан, «Биз — Япониядаги туристик компаниялар вакиллари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан мамлакатда ушбу соҳани ривожлантириш борасида қатор амалий ишлар йўлга қўйилаётганидан мамнунмиз», — деди. Унинг фикрича, замонавий кулайликларга эга бўлган меҳмонхоналарнинг кури-

либ, ишга туширилаётганининг ўзи сайёҳлик хизматини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш учун жуда катта аҳамият касб этади. «Уйлайманки, яқин келажакда Япония ва Ўзбекистон ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик аниқ кенгайди», — деди жаноб Катсуми.

Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги Факултетада ва Мухтор элчиси М.Очилов тадбир иштирокчиларига Буюк Ипақ йўлида жойлашган Япония ва Ўзбекистон

ўртасидаги қадим алоқалар тарихи ҳамда ана шу муносабатлар истиқболлари ҳақида батафсил сўзлаб берди.

«Ўзбекистон Ҳаво Йўллари» миллий авиакомпаниясининг Япониядаги ваколатхонаси ходимлари эса икки мамлакат ўртасида мунтазам йўлга қўйилган авиақатновлар, республикамизга ташриф буюраётган япониялик меҳмонларнинг сони кўпаяётганлигига эътибор қаратишди.


Тадбирда Япониянинг етакчи сайёҳлик гуруҳлари, жумладан «Уорлд Эйр-Си Сервис Ко.Лтд.» ва «Жей-Ти-Би» компанияси раҳбарлари, шунингдек, Токиода фаолият олиб бораётган мустақил туризм агентлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок эттишди.

**Б.АЛИМОВ,
«Жаҳон» АА, Токио.**

**Саломатликни
мустаҳкамлашда
қўл келмоқда**

Инсоннинг соғ-саломат юриши кўп жиҳатдан унинг мунтазам ҳаракатда бўлишига боғлиқ. Лекин техниканинг беқиёс ривожланиши натижасида кишилар тобора кам ҳаракат қиладиган, деярли пиёда юрмайдиган бўлиб қолишди. Япон олимларининг тадқиқотларига кўра киши ўзини тетик-бардам ҳис қилиши учун бир кунда камидан 20 километр пиёда юриши керак экан. Бунинг иложиси бўлмаганда эса турли хил спорт тренажёрлари жуда қўл келади.

Мирзо Улғбек



жёрларга талаб катта бўлаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Яқинда «Андоза» фирмасининг ташаббуси билан бу ерда «Андоза-Спорт» спорт-соғломлаштириш маркази ўз фаолиятини бошлади.

Таҷрибали мутахассис Василий Волосин раҳбарийлик қиладиган ушбу марказда тренажёрлар зали ва шейнинг хоналари эртдан кечгача мунтазам ишлаб турибди. Бу ерда шуғулланувчилар учун яратилган барча шарт-шароитлардан ташқари гиёҳ шарбатлар билан давлолайдиган ва тиббиёт хизматлари ҳам мавжуд. Тез орада эса спорт-соғломлаштириш маркази ҳовлисида спорт тренажёрларида шуғулланувчилар учун яна битта зали ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

Даврон НУРМАТОВ.

СУРАТЛАРДА: «Андоза-Спорт» спорт-соғломлаштириш марказида машғулотлар пайтида. Алексей Попов олган суратлар.

Тошкентдаги «Ўзбекистон» меҳмонхонасида АҚШнинг Ўзбекистондаги ишончли вакили Дэвид Эппелтон ва Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Асмондин Комилов «Соғлом ҳамжамиятлар» грантлар дастурининг биринчи босқичида голиб чиққан 13 нафар иштирокчига сертификатлар топширди.

**СЕРТИФИКАТЛАР
ТОПШИРИЛДИ**

— Ушбу дастурнинг асосий мақсади аҳоли

саломатлигини яхшилашга қаратилган инновация лойиҳаларини қўллаб-қувватлашдан иборат, — деди тадбирга сўзга чиққан АҚШнинг мамлақатимиздаги ишончли вакили Дэвид Эппелтон. — Мазкур грантлар дастури АҚШнинг Халқаро ривожлантириш агентлиги орқали маблағ билан таъминланган бўлиб, Couterpart International ва «ЗдравПлюс» лойиҳаси билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

— 2003 йилнинг январь ойида бошланган «Соғлом ҳамжамиятлар» грантлар дастури мамлакатимиз фуқароларини ўз жамиятларининг соғлигини яхшилашда кўпроқ масъул бўлишлари ва уларни рағбатлантиришга қаратилган. Грантлар икки хил бўлиб, икка-икки ҳам сўм ҳисобида бериладиган беш минг АҚШ долларидан ошмайди. Ҳамжамиятлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган грантлар аҳолининг соғлигини сақлаш борасида, жойлардаги эҳтиёткорлик қондиришга қаратилган ҳаракатларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди. Соғлиқни сақлаш бўйича грантлар эса ташкилотларнинг тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда, аҳоли соғлигини сақлаш борасидаги айрим муайян масалаларни ўрганишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлайди.

Д. Эппелтоннинг таъкидлашича, грантларни қўриб чиқиш қўмитаси томонидан республика бўйича 111 та лойиҳа қабул қилинган. Шу йил 5-6 майда аҳоли соғлигини сақлаш ва нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ) вакиллари билан маҳаллий экспертлардан ташкил топган қўмита 13 та голибни танлаб олди. Фолибларга берилган грантнинг умумий қиймати 44 минг АҚШ долларига тенг.

Тадбирда фолиблар орасида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатувчи «Саратонга Қарши Ўзбекистон жамияти»нинг лойиҳаси энг салмоқли деб топилгани эътироф этилди. Ушбу ташкилот 33- поликлиникада саратон ҳамда унга олиб келадиган касалликларни аниқлаш ва олдини олишда умумий таҷрибали шифокорларни тайёрлайди. Аҳолининг саратон хасталиги ҳақидаги билимларини ошириш мақсадида семинарлар ўтказилади.

Шунингдек, Фарғона ва Андижон вилоятларида «Бирламчи қишлоқ тиббий ёрдами идораларининг уюшмаси» томонидан аҳолининг ОИТС ҳақидаги билим даражасини оширишга қаратилган анжуманлар ўтказилади. «Барқинчи» нодавлат нотижорат ташкилоти Самарқанддаги учта болалар уйининг қизлари учун репродуктив саломатлик, ҳуқуқ, ОИТСдан сақланиш, соғлом жинсий ҳаёт бўйича семинарлар уюштирди. «Аёл ва замон» ННТ ичимлик суви билан таъминлаш ва умумий гигиенага ўргатиш бўйича ўз лойиҳасини Фарғона вилоятининг Бағдод туманида амалга оширди.

«Туркистон-пресс»



**Бош муҳаррир
АкмаЛ АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида
босилади.
4204 нусхада босилади. Қўроқ бичими А-3

*Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
куллари чиқади.*
Навр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат
матбуот қўмитасида
Юрғамми билан рўзғатда сонинан

Нашри этакзиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги
почта бўлимидаги ёки «Тошкент почтачиси»га — 133-74-05
телефонига мурожаат қилиниши мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилиди ва сақланади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.